

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
FARMOYISHI20 24 yil « 30 » oktabr№ 729-F/5

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ–300-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини халқимиз орасида кенг оммалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ–300-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2023–2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларга мувофиқ **“Ўзбек адабиёти хазинасидан” деб номланган кўп жилдлик китоблар мажмуасини 1 150 нусхада чоп этиш** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Фанлар академиясининг 2024–2028 йилларда ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг энг яхши намуналари асосида **“Ўзбек адабиёти хазинасидан” номли 200 жилддан иборат китоблар мажмуасини** (кейинги ўринларда – китоблар мажмуаси) Агентлик тизимидаги “Ўзбекистон нашриёти” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – нашриёт) томонидан давлат тилида (лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида) **нашр қилиш** ҳамда давлат органлари ва ташкилотларига **бепул тарқатиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Агентлик Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда **бир ой муддатда** манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакиллари, олимлар, адабиётшунослар, соҳа мутахассислари ва экспертларни жалб қилган ҳолда ўзбек адабиётининг буюк ёзувчилари ва шоирлари асарларини, шу жумладан, аввал нашр этилмаган ижод намуналарини саралаш, заруратга кўра, уларни давлат тилига таржима қилиш орқали китоблар мажмуасига киритиладиган адабиётлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тасдиқласин.

4. “Ўзбек адабиёти хазинасидан” номли 200 жилддан иборат китоблар мажмуасини давлат органлари ва ташкилотларига бепул тарқатиш бўйича тақсимот **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

китоблар мажмуасини нашр қилиш ва уларни тарқатиш билан боғлиқ харажатлар 2024–2028 йилларда Агентликка ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

нашриёт томонидан китоблар мажмуасини нашр қилиш учун давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шартномалар тузилади.

6. Агентлик, Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази:

режа-жадвал асосида китоблар мажмуасининг тақдимотларини ўтказсин ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилсин;

нашр қилинган китоблар мажмуасининг электрон шаклини (PDF форматда) очик электрон ресурсларга жойлаштириш учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига, “ZiyoNet” таълим порталига жойлаштириш учун Рақамли технологиялар вазирлигига ҳамда “Kitob.uz” порталига жойлаштириш учун Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига ушбу фармойиш ижроси билан боғлиқ тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори А.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**“Ўзбек адабиёти хазинасидан” номли 200 жилддан иборат китоблар мажмуасини
давлат органлари ва ташкилотларига бепул тарқатиш бўйича**

ТАҚСИМОТ

T/p	Давлат органлари ва ташкилотлари номи	Нусхалар сони (ҳар бири 200 жилддан иборат)
I. Марказий идоралардан		
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси	5
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	5
II. Вазирлик ва идоралардан		
3.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳамда унинг тизимидаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлари кутубхонаси	205
4.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, шундан:	39
4.1	Ўзбекистон Миллий университети кутубхонаси	2
4.2	Тошкент давлат шарқшунослик университети кутубхонаси	2
4.3	Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети кутубхонаси	2
4.4	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кутубхонаси	2
4.5	Тошкент давлат педагогика университети кутубхонаси	2
4.6	Қорақалпоқ давлат университети кутубхонаси	2
4.7	Анджон давлат университети кутубхонаси	2
4.8	Бухоро давлат университети кутубхонаси	2
4.9	Гулистон давлат университети кутубхонаси	2
4.10	Қарши давлат университети кутубхонаси	2
4.11	Наманган давлат университети кутубхонаси	2
4.12	Самарқанд давлат университети кутубхонаси	2
4.13	Термиз давлат университети кутубхонаси	2
4.14	Урганч давлат университети кутубхонаси	2
4.15	Фаргона давлат университети кутубхонаси	2
4.16	Жиззах давлат педагогика институти кутубхонаси	2
4.17	Қўқон давлат педагогика институти кутубхонаси	2
4.18	Нукус давлат педагогика институти кутубхонаси	2
4.19	Навоий давлат педагогика институти кутубхонаси	2

4.20	<i>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги кутубхонаси</i>	<i>1</i>
5.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Болалар кутубхоналари	14
III. Бошқа ташкилотлардан		
6.	Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва унинг тизимидаги ахборот-кутубхона марказлари	828
7.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги	15
8.	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари	15
9.	Фанлар академияси, шундан:	14
9.1	<i>Фанлар академияси кутубхонаси</i>	5
9.2	<i>Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқишунослик институти кутубхонаси</i>	2
9.3	<i>Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти кутубхонаси</i>	2
9.4	<i>Тарих институти кутубхонаси</i>	2
9.5	<i>Санъатишунослик институти кутубхонаси</i>	2
9.6	<i>Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи кутубхонаси</i>	1
10.	“Ўзбекистон нашриёти” давлат унитар корхонаси	5
11.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кутубхонаси	3
12.	Республика болалар кутубхонаси	2
Жами		1 150

Изоҳ. *Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Республика болалар кутубхонаси тақсимот асосида бепул тарқатиладиган китоблар мажмуасини белгиланган тартибда қабул қилиб олиш, тизимидаги ташкилотлар ҳамда ҳудудий бўлинмаларига тарқатиш учун масъул ҳисобланади.*

